

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Доцент

Тиббий профилактика факультетининг “Тери таносил касалликлари” кафедраси

### Катта ўқитувчилар:

Даволаш факультетининг “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси.

Даволаш факультетининг “Факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

### Ассистентлар:

Тиббий профилактика факультетининг “Тери-таносил касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетининг “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетининг “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Реабилитология, халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия” кафедраси

Даволаш факультетининг УАШ тайёрлаш, клиник аллергология ва 1-сон УАШ тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курси” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Анатомия ва ОЖТА” кафедраси

Тиббий педагогика факультети “Факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади.**  
**Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси, Травматология, Ортопедия, ХДЖ ва Нейрохирургия кафедраси жамоаси Республика ихтисослаштирилган бўғимлар ва қўл бармоқлар жарроҳлиги маркази директори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори профессор

**Шаҳобиддин Шамсиевич ҲАМРОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси УАШ педиатрия кафедраси мудир профессор Илҳом Каримжоновга укаси

**Акмал АСОМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir

**Gazeta bepul tarqatiladi**



## ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш ва сифатли тиббий хизматни таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, сурункали бош мия қон айланиши бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашда кўплаб замонавий технологиялар қўлланилиб келинмоқда.

Инсультнинг профилактикаси ва даволашни мукамаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли фармони қабул қилинган. Ушбу фармон асосида инсульт миллий регистри ташкил қилиш, экстракраниал артериялар патологияларини замонавий диагностикаси ва хирургик даволаш масалалари юзасидан стандарт ва клиник баённомалар ишлаб чиқиш бўйича кўплаб иш-

лар олиб борилмоқда.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган сурункали бош мия қон айланиши бузилиши билан боғлиқ касалликлар диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий технологияларига бағишланган илмий-амалий анжуманда ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш, даволаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Давоми 2-бетда.

## ТИЛ — ЭЛНИНГ РУҲИ


Ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири ва у узоқ тарихий илдишларга эга. Ана шундай буюк меросимиз асосини ўн биринчи асрда бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит-турк” номли тилшуносликка бағишлаган асарини ташкил қилган бўлса, ўн учинчи асрда яшаб ижод қилган Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий эса тилшунослик шеваларига бағишланган туркча луғат китобини тузганди.

XV асрда яшаб, ижод қилган ғазал мулкининг султони — ҳазрат Алишер Навоий эса ўзининг беқиёс ижоди билан тилимиз мавқеини беҳад юксакликка кўтарган эди. Тилнинг ривожланиши жамият ҳаёти, тараққиёти билан бевосита боғлиқдир ва ундаги ўзгаришлар албатта тилда ҳам ўз аксини ифода этади. Шу боис 1989 йилнинг 21 октябрь куни она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши — Мустақиллик сари кўйилган илк қадамлардан бири эди. 1995 йилнинг 21 декабрь куни ушбу Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрирда қабул қилиниши ўзбек тилининг янада бойиши ва ривожланиши учун янада кенг шарт-шароитлар яратиб берди. Тил ҳақида қабул қилинган Қонуннинг даражаси, савиясига қараб, халқнинг сиёсий онги, миллий камолотини, маънавий даражасини билиш ва англаш мумкин. Мана, 25 йилдирки, Ватанимизда ўз тилимиз ҳукмронлик қилмоқда, йиллар оша ардоқланиб, улуғланмоқда.

Давоми 3-бетда.



*Тил — одамларни бир-бирига  
бириктирувчи ҳалқа.*



## ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тадбирда ушбу йўналишдаги кўплаб олимлар: академик Покровский Анатолий Владимирович (А.В.Вишневский) номидаги хирургия институтининг қон-томир хирургияси бўлими раҳбари, Россия), проф. Доменико Паломбо (Европа қон-томир жарроҳлари ассоциацияси президенти, Италия), Ахмет Мемиш (Республика даволаш марказида радиология бўлими раҳбари, Боку, Озарбойжон), Рашад Махмудов (Юрак қон-томир касалликлари маркази раҳбари, Боку, Озарбойжон), Дурсун Эмре Кумрал (Эгей университети неврология бўлими раҳбари, Измир, Туркия), проф. Жей-Кю Ким (Корея), Карленко А.А. (Новосибирск, Россия), проф. Фокин Алексей Анатольевич (Ангиологлар ва қон-томир хирурглари Евро-Осиё ассоциацияси президенти) иштирок этишди.

Тиббиётда замонавий инновацион ва амалий технологияларни қўллаш баробарида Ўзбекистонда бош мия қон айланиши бузилиши муаммоларини бартараф қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман кўламида чет эл олимлари иштирокидаги маъруза-

лар шифокорлар малакасини кўтариш Соғлиқни сақлаш вазирлиги сиёсатида актуал жабҳалардан биридир.

Шунингдек, анжуманда исботланган тиббиёт нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигини даволашга бағишланган муаммолар, бирламчи ва қайта ишемик инсультлар ривожланишининг олдини олиш, инсульт ўтказган беморларни даволашнинг долзарб масалаларига бағишланган муаммолар муҳокама қилинди. Ўтказилаётган ушбу тадбир сурункали бош мия қон айланиши мавжуд бўлган беморлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустақамлашга бағишланди.

Ушбу тадбир Республика клиникаларида фаолият кўрсатувчи шифокорлар профессионализи ва билим савиясини кўтариш билан бирга мультифокал атеросклерозли беморлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва ишемик инсультларни камайтиришга катта хизмат қилади.

**Қ. НИЗОМОВ,**  
«Тиббиётнома» мухбири

Одатда таълим ҳақида фикр юритганда уни ҳеч қачон тарбиядан ажратган ҳолда, бўлакча тасаввур қилмаймиз. Таълим бутун бир тизим сифатида ўзини намоян қилар экан, уни ривожлантириш механизмида мураббийлик фаолияти муҳим ўрин тутати. Президентимиз таъкидлаганидек, "...инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, ажодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк

чуқур ўрганиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишига кўмаклашиш, фанларни ўзлаштиришни назорат қилиш каби кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Республикаимизнинг чекка ҳудудларидан (вилоятлардан) келган талабаларга алоҳида эътибор қаратишиб, улар учун "ота-она" бўлишмоқда.

## ТАЪЛИМДА МУРАББИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

зот-ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга олаемиз" (И. Каримов. Юксак маънавият—енгилмас куч. Т.:Маънавият, 2008. 130-бет). Шу нуқтаи назардан мураббийлик таълимда айнан тарбияни йўлга қўйиш, фанларга доир берилаётган билимлар билан узвий боғлиқ равишда ифода этилади.

Тошкент Тиббиёт академиясида мураббийлик фаолиятига хос барча амалий ишлар мунтазам йўлга қўйилган бўлиб, бугунги глобаллашув даврида нафақат талаба-ёшларнинг ҳолидан хабар олиши, балки уларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини

Мураббийларимиз барча талабаларни кўллаб-қувватлаш, уларга имконият яратиш мақсадида академия маъмурияти билан тинимсиз изланиш олиб бормоқда. Албатта, мураббийлик фаолияти соҳасида ўзига хос кичик муаммолар ҳам мавжуд бўлиши мумкин, бироқ уларни бартараф этишда йирик дастур ва режалар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, талаба-ёшларни мамлакатимизда рўй бераётган демократик ислохотларнинг мазмуни билан таништириш, уларнинг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш, она-юртимиз тарихини чуқур ўрганиш, халқимизнинг бунёд-

корлик ишларини теран англаб этиши, ҳар қандай зарарли одатлар ва мафкуравий таҳдидларга қарши кураша оладиган баркамол шахс қилиб тарбиялашда "Маънавият кунлари"ни сифатли ўтказиб келишмоқда. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, "Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни адо

этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суяна-миз ва таяна-миз, эртага ўрнимизга келадиغان ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизма-

ти нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қилаемиз" И. Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.:Маънавият, 2008. 130-бет).

Фурсатдан фойдаланиб, ўқитувчи ва мураббийларимизнинг касб байрамлари кенг нишонланаётган ушбу кунларда уларни чин қалбимиздан табриклаймиз. Мураббийларимизга мустақам соғлиқ ва улкан зафарлар тилаймиз!

**Нилуфар НИЁЗОВА,**  
Ижтимоий фанлар кафедраси  
катта ўқитувчиси, ф.ф.н.,  
Даволаш факультети 203-гuruhу  
талабалари

## РОЛЬ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ БУДУЩЕГО ВРАЧА

XXI век — это мир с техническим прогрессом, расширяющимся информационным пространством, всеобщей глобализацией, который предъявляет новые, более жесткие требования к образовательному процессу. Качественно новый уровень подготовки будущих врачей, обеспечивается внедрением инновационных технологий, обновлением программно-технологического обеспечения образовательного процесса, применением современных технических возможностей.

Профессия врача всегда считалась, и будет считаться самым гуманным. Среди населения самыми уважаемыми и почитаемыми людьми издавна были представители именно этой профессии. Уважаемые коллеги, нам с Вами выпала огромная честь не только лечить больных, но и подготовить врачей общей практики. Становление личности врача — это сложный противоречивый процесс, подчиненный ряду общих объективных закономерностей и собственных усилий молодых людей. Процесс формирования и развития личности студентов медицинских вузов непосредственно связан с обучением и воспитанием. Нравственное воспитание будущих врачей является важнейшей, неотъемлемой составной частью процесса обучения. Воплощение этических принципов будущей работы формируется на примере истории, судеб, профессионального пути выдающихся представителей врачебного сообщества. На практических и лекционных занятиях мы должны приводить в пример выдающихся ученых, которые внесли огромный вклад, как развитие медицинской науки Узбекистана, так и Ташкентской медицинской академии. Наши студенты всегда должны гордиться тем, что они учатся в данном заведении.

Н.И.Пирогов был противником разделения науки и духовно-нравственных ценностей, определяя нравственную составляющую науки в качестве важнейшего структурного элемента. Профессор, доктор педагогических наук Н. В. Кудрявая справедливо указывает на значение духовно-нравственных качеств профессии врача: «Никто не спорит, что современная медицина — это уникальный сплав великих достижений фундаментальных и прикладных отраслей естествознания. Но от «чистого» естествознания её отличает то, что она работает не с веществом, полем или абстрактной информацией. Врач имеет дело с живым человеком, причём человеком страдающим. Медицинские знания, навыки и умения не могут ограничиваться одним естествознанием. Они обязательно предполагают и нравственное измерение».

Важнейшая роль преподавателя медицинского вуза заключается в формировании осознания особой значимости будущей профессии, утверждение гуманистических приоритетов в профессиональной деятельности. Роль преподавателя не должна ограничиваться информационно-контролирующей деятельностью. Необходимо целенаправленное формирование и обогащение профессиональными знаниями и нравственными ценностями на основе исторических традиций сложившихся в Ташкентской медицинской академии. Нужно стремиться к превращению знаний нравственных норм в нравственную убежденность.

Наряду с высоким профессионализмом, компетентностью, общество всегда предъявляло повышенные требования к морально-этическим и нравственным качествам врача. Сегодня, как никогда,



востребованы такие качества, как чуткость и внимательность к людям, доброжелательность, душевная теплота, милосердие и способность к состраданию.

С каждым годом возрастает роль высшей школы и каждого конкретного преподавателя в создании необходимых условий для формирования ценностно-смысловых установок, обеспечивающих гармоничное развитие как профессионально-ориентированных качеств, так и духовно-нравственной культуры студентов-медиков, формирование базовых, ключевых морально-этических ценностей, основанных на идеях гуманизма и добра.

Переход к рыночным отношениям, всё возрастающая материальная заинтересованность, коммерциализация медицины, зачастую ставят врача перед непростоим нравственным выбором между желанием заработать и целостностью, реальной потребностью пациента. Только высококонфессиональная личность сможет руководствоваться приоритетами конкретного больного.

Таким образом, если мы хотим чтобы наши выпускники были всесторонне развитыми, высококонфессиональными специалистами, никто из нас не должен оставаться равнодушным и безучастным в воспитании будущего врача. Мы каждый день своим личным примером обязаны показывать студентам, какими должны быть настоящие врачи. В противном случае мы можем получить ремесленника-предпринимателя, владеющего медицинскими технологиями, для которого экономическая составляющая имеет основополагающее значение.

**Б. ХАЛМАТОВА,**  
д.м.н., профессор,  
зав кафедрой  
Детские болезни





Жамият тараққийетини таъминлашда, фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида аҳолининг энг, аввало ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда, ижтимоий ахлоқни ҳимоя қилиш ва маънавиятни юксалтиришда қонун устуворлиги асосий мезондир. Қонунга риоя қилиш ҳамда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш жамият тараққийетида муҳим роль ўйнайди. Қонунга риоя қилиш, адолатли қарор топтириш эса одамларда дахлдорлик ҳисси бўлишини талаб қилади. Агар одамларда лоқайдлик кайфияти кучли бўлса, қонунга риоя қилишни таъминлаш мураккаблашади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек «Инсонлардаги бефарқлик ҳиссини бартараф қилиш ҳам маънавиятнинг юксалиши билан боғлиқ. Маънавияти юксак одамнинг

### Қонун устуворлиги – маънавий юксалиш мезонидир

иродаси кучли бўлиб, у адолатсизликка бефарқ қараб тура олмайди. У жамиятдаги барча ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқ-тартибот органларигагина эмас, балки шу жамиятда яшайётган барча фуқароларга боғлиқ. Фуқаролар ўз фуқаролик бурчларидан, мажбуриятларидан келиб чиқиб, қонунларга риоя қилишга бефарқ бўлмаса, ана шунда қонун устуворлиги амалда таъминланади. Ҳозирги кунда таълим соҳасида олиб бориланган ислохотлар, ҳуқуқ соҳаси ислохотлари, давлат дастурлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод» давлат дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқлари таълим муассасаларининг низоми, ички тартиб-қоидалар, маънавий ахлоқий тарбия тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Бу қонунлар, ҳуқуқий меъёр ёшларга таълим-тарбия бериш билан

маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий билим ва тарбия беришни тақозо этади. Давлатимиз томонидан ёшларнинг илм олиши, касб эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилганига қарамасдан, афсуски, ҳозирги кунда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, тартиббузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари юз бермоқда. Ҳуқуқбузарлик назоратсиз қолган вояга етмаганлар, бўш вақтини бемақсад ўтказайётган ёшлар ўртасида келиб чиқмоқда. Бунинг олдини олиш учун, таълим-тарбия бериш сифатини ошириш, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида, фан ва спорт тўғрақларига жалб қилиш ҳамда бу борада ота-оналар кўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Шу билан бирга ёшлар

ўртасида ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимларининг давра суҳбатларини ўтказишлари, ёшларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни оширишда муҳим омилдир. Сабаби, айрим ёшларимиз бугунги кунда таълим муассасаларида тарбиявий ишлар олиб борилишига қарамасдан, қонун, ҳуқуқ меъёрларини билмаган ҳолда унинг оқибатларини англамасдан ҳуқуқбузарлик ва тартиббузарлик, жиноятчиликка йўл қўймоқдалар. ТТА қошидаги академик лицейда «Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш профилактикаси» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилиб, бундай суҳбатларда шаҳар, туман ИИБ ходимлари билан учрашувлар, ота-оналар кўмитаси йиғилишлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Мураббийлар кенгаши йиғилишлари, «Камолот» ЁИХ йиғилишлари ўтказилиб борилмоқда. Гуруҳ мураббийлари томонидан ўтказиладиган ҳафтанинг ҳар жума кундаги «Маънавият соатлари»да тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мавзуларда суҳбатлар олиб борилади. Зеро, мақсадимиз ёшларимизни маънавий-ахлоқий тарбия тамойиллари асосида илм олиши, касб эгаллашига эътибор қаратишдир.

Ш. ЮНУСОВА,  
ТТА қошидаги академик лицей ижтимоий фанлар кафедраси мудири

ТТА қошидаги академик лицей ижтимоий фанлар кафедраси мудири



### ТИЛ — ЭЛНИНГ РУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда.) Дунёда миллатлар, элатлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўз тилига эга ва ҳар бири ўз она тилининг жозибасини, қадр-қимматини йўқотишни истамайди, уни асраб-авайлайди. Миллий ўзига хослик эса бевосита миллатнинг тили, маданияти, тарихи, дунёқараши кабиларда намоён бўлади, уларнинг уйғунлиги тарзида акс этади ҳамда шундай идрок қилинади. Ўзликни англашнинг энг асосий томони бу ўз она тилига бўлган эътибордир. Тилини қадрлаган инсонда миллий ғурур бўлади.

Зотан, шеъринг сатрларда ёзилганидек:  
... Бу тилнинг ҳар сўзи онадай азиз,  
Онадай муқаддас, онадай суюк.  
Фарзандлари севгани учун шубҳасиз  
Бу тил ману яшайди...

Шоира ҚОДИРОВА,  
тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси.

### Донолар тил ҳақида...

Ўқишга, билишга бу таржимон тил,  
Рўшноликка элтар кишини у, бил.

Юсуф Хос Ҳожиб.

Тил одоби инсон маънавияти ва камолотида етакчи мезон ҳисобланади. Тилини тарбияламаган одам гапиришдан олдин эшитиши керак. Дўст ва ёру биродарлардан жудо қилувчи ҳам тил, уларнинг сонини оширувчи ҳам тил.

Раҳимжон Усмонов.  
Тилинга бўлса болинг, кулиб боқар иқболинг.  
Маданият ойнаси – тилдир.  
Тил – дилнинг суратидир.  
Кўп тилларни билиш камолга камол қўшади.

Матлаббека Улуғбек қизи.

Дағал тиллар гўзал сўзлар бунёд этмас,  
Тўти ҳеч вақт қарға нутқин эрод этмас.

«Тўтинома»дан.

Ҳар тилни билув бани одама жондир,  
Тил воситаи робитаи оламиён дир.

Аваз Ўтар.  
Дурга тўлар сўзла маъно денгизи,  
Сўздир инсон таққан зирак юлдузи.

Эски чархнинг садаф, биллури аро,  
Сўздир унга лойиқ гавҳар бебаҳо.

Абдурахмон Жомий.

### ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

XV асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача қўлланган эски ўзбек адабий тили XI асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шакллана бошлади ва XIII асрда эски ўзбек адабий тили тўлиқ шаклланди.




Эски ўзбек тилининг ривожини буюк Алишер Навоийнинг номи билан боғлиқдир. У эски ўзбек тилининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ажойиб асарлар яратибгина қолмасдан, бу тилни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилувчи «Муҳокамат-ул-луғатийн» номли йирик илмий асар ҳам ёзди ва унда ўзбек тилининг бошқа тиллардан ҳеч кам эмаслигини ишонarli мисоллар билан исботлаб берди.

1989 йил 21 октябрида ўзбек тили Ўзбекистон Республикаси давлат тили эканлиги ҳақида қонун қабул қилинди. Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши мустақиллигимизнинг тамал тошларидан бири бўлди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида тан олинди, ўзбек тилида Республикамизда иш олиб борилиши бу ўзбек халқига бўлган эътибордан далолатдир.

21 октябрь «Тил байрами» сифатида бутун Республикамизда кенг нишонланади. Шунингдек, бизнинг Тиббиёт академиямизда ҳам бу кунни байрам сифатида нишонлаш анъанага айланган. Мураббийлар ўзларининг гуруҳларида тил байрами ҳақида, тўғри сўзлашиш ҳақида давра суҳбатлари ўтказдилар, факультетнинг ТТЖларида бу санага атаб бадиий тантаналар ташкиллаштирдилар. Бу тадбирларда тилшунос олимлар, шоирлар билан учрашувлар уюштирдилар. Тошкент Тиббиёт академиясининг маънавий-маърифат бўлимида ўзбек тилига давлат тили берилган кун 21 октябрга бағишлаб маърузалар, давра суҳбатлари уюштирилди. Бу тадбирларда тилшунос олимлар, соҳа мутахассислари ўзбек тилининг тил бойликлари, имкониятининг чексизликлари, адабий тил шеърлари, нутқ маданияти ҳақида айтиб ўтдилар. Ўзбек шоирларининг шеърлари ёд айтилди.

Наима СОЛИҲОВА,  
Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси





## Til boyligi tafakkur boyligidir

Til xalqning o'tmishi hozirgi kelajak avlodini buyuk bir yaxlitlikka, tarixiy jonli bir jipslikka aylantiruvchi eng hayotiy, eng boy va eng mustahkam vositasidir.

Tilsiz na shaxs, na xalq o'zining fikr-tuyg'ularini boshqalarga o'tkaza olmaydi, ayniqsa, kelajak avlodga qoldira olmaydi.

Hozirgi kunda yer yuzida mavjud bo'lgan 7 mingga yaqin til hind-yevropa, turkiy, xitoy-tibet singari bir necha til oilalariga bo'linadi. Masalan, o'zbek, turk, turkman, qirg'iz, qozoq, tatar, uyg'ur, boshqirt, ozarbayjon, qoraqalpoq, bolqor singari tillar bir oilaga mansub bo'lib, ular turkiy tillar oilasi nomi bilan yuritiladi. Tilning lug'at tarkibi juda tez o'zgaradi. Tilga ko'plab so'zlar kirib keladi. Bunda o'sha xalq hayotida yuz bergan o'zgarishlar fan texnika, san'at, siyosiy-ijtimoiy hayot va adabiyotda sodir bo'ladigan yangiliklar muhim o'rin tutadi.

Mustaqillik yillarida ma'naviy poklanish haqida, gap borganda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi, 1989-yil 21-oktabrda qabul qilingan «O'zbekiston Respublikasining davlat tili to'g'risidagi Qonuni» xalqimizning milliy ongining rivojlanishida mamlakat mustaqilligini, madaniy merosi tiklanishida muhim rol oynadi. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IV sessiyasida 1995-yil 21-dekabrda yangi tahrirda «Davlat tili to'g'risida»gi qonunni qabul qildi. Qonunda o'zbek tili o'zbek xalqining ma'naviy mulki ekanligi, uning ravnaqi, qo'llanilishi va muhofazasi davlat tomonidan ta'minlanishi belgilab qo'yilgan.

O'zbekistonda Oliy davlat hokimiyati, mahalliy hokimiyat va boshqaruv organlarining faoliyati, korxonalar, muassasalar va tashkilotlarning hisob-kitobi, statistika va moliya ishlari o'zbek tilida yuritilmoqda. Respublikaning ma'muriy-hududiy birliklari, maydonlari, ko'chalari, geografik o'rinlarining nomlariga yagona milliy shakl berildi va o'zbek tilida yozib qo'yildi. Natijada o'zbek xalqining milliy qadr-qimmatini, mustaqil davlatimizning qadr-qimmatini qayta tiklandi va mustahkamlandi. Shuningdek, O'zbekistonda istiqomat qilayotgan barcha millatning tillari, qadr-qimmatini

o'z orniga qo'yildi.-1993-yil sentabrda O'zbekiston Respublikasining «Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida» Qonun qabul qildi.-1995-yil may oyida O'zbekiston Respublikasining «Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risidagi Qonunga o'zgartirishlar kiritish haqida» Qonuni qabul qilindi.

Bu qonunlar o'zbek tilining davlat tili sifatidagi mavqeyini yanada mustahkamlashga xizmat qilmoqda. Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini to'la joriy etish bosqichmabosqich amalga oshirilib borilmoqda. O'zbek adabiy tili-o'zbek xalqining milliy davlat tilidir. Uning shakllanishida, boyishiga va hozirgi taraqqiyot darajasiga ko'tarilishida Alisher Navoiy, Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, Abdulla Qahhor, Abdulla Oripov, Erkin Vohidov, O'tkir Hoshimov kabi ulug' so'z ustalarining xizmatlari katta bo'lgan. O'zbek tili eng teran fikrlarga ilmiy-siyosiy tushunchalarni eng chuqur his tuyg'ularni xilma-xil ma'nolarni ifodalash imkoniyatlariga ega. Shunday ekan yosh avlodga o'z ona tilini qadrlash, hurmat qilish, unda ravon so'zlashish, savodli yozish, ayniqsa, muloqotda o'zbek adabiy tilini sofligini saqlab qolishga o'rgatish hozirgi kunda mutaxassislar oldidagi dolzarb vazifadir.

Zero, o'zbek tili Davlat tili sifatida erkin rivojlanib o'sib bormoqda. Til do'stlik va hamjihatlikni qaror toptirishga eng qulay vosita bo'lib, ko'p tilni bilish millatlararo do'stlik, totuvlik qaror topishida muhim ahamiyatga ega. Davlatimiz tomonidan olib borilayotgan islohotlarda nafaqat o'zbek tilini, hozirgi jahon talablariga javob beradigan mutaxassislarni yetkazishda yoshlarimizga jahon tillarini o'rganishda 2012-yil 10-dekabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Chet tillarini o'rganish tizimini yanada takomillashtirish choratadbirlari to'g'risida»gi qaroriga binoan, akademik litsey va oliy ta'lim dargohlarida ta'lim jarayonida chet tillarini o'rgatishda ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jalb qilish asosida o'quv mashg'ulotlari olib borilmoqda.

**TTA qoshidagi akademik litsey ijtimoiy fanlar kafedirasi mudiri Yunusova.SH.S**

## Болаларга малакали тиббий ёрдам

Жорий йил Юртбошимиз ташаббуси билан «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди ва шу муносабат билан тиббиёт, жумладан она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишга доир устувор вазифаларни ўз ичига олувчи Давлат дастури тайёрланди.

Давлат дастурига мувофиқ ТТА ва кафедралар томонидан амалга ошириладиган ишлар белгиланди. Жумладан соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш, фарзандларимиз бахтли ҳаёт кечирishi учун жойларда юқори малакали тиббий хизматлар кўрсатиш, маҳалла аҳолисининг тиббий онглари ошириш борасида учрашувлар ўтказиш белгилаб қўйилди.

Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1096-сонли ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари» дастури тўғрисидаги ПҚ-1144-сонли Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февраль 2124-сонли «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарорларига асосан олиб борилмоқда.

Кафедра ходимлари республикамизнинг Навоий, Жиззах, Фарғона, Сурхондарё вилоятларига болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича масъул этиб тайинландилар. Режага асосан профессор-ўқитувчиларимиз 18 марта вилоятларда ташкил қилинган тиббий кўрикларда қатнашдилар. Тиббий кўриклар кўпроқ узоқда жойлашган туман ва қишлоқларда ўтказилган бўлса, зарур бўлган ҳолларда вилоят ва республика тиббий марказларига ташхис қўйиш ва даволаш учун йўлланмалар берилди.

Вилоятларга ташриф даврида ҳар бир ходим малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан ташқари болалар касаллигини, ўлимнинг сабабларини чуқур ўрганиб жойларда даволаш, профилактика ва соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириб келдилар. Бундан ташқари вилоят радио ва телевидение-си орқали чиқишлар уюштирилди, маҳаллий рўзномаларда мақолалар нашри амалга оширилди. Педиатриянинг долзарб мавзуларига бағишланган 6 маърузалар, 38 учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бажарилган ишлар натижалари ҳар чоракда ССВда раҳбарлар ва мутахассислар томонидан чуқур таҳлил қилинди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан жорий йилда «Соғлом бола» йилига бағишлаб 5 та мақола чет элларда, 16 мақола республика журналларида, 22 тезис, 2 брошюра, 6 мақола «Соғлом авлод» ва «Болажон» журналларида нашр этилди. 2014 йил мобайнида кафедрада ва талабалар турар жойларида талабалар орасида соғлом бола, унинг ўсиб-улгайиши, камол топиши, комил инсон бўлиб етишиши мавзуларига бағишланган маънавий соатлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Режаланган ишларнинг мунтазам равишда олиб борилиши республикамиз болалар аҳолиси саломатлигини сақлашнинг сифатини оширади деб ўйлаймиз.

**И. КАРИМЖОНОВ,**  
ТТА УАШ педиатрия кафедраси мудири, профессор

## Совриндорларимиз

## ЮКСАК МУКОФОТ НУФУЗИ

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Президентимиз ғамхўрликлари остида таъсис этилган Зулфия мукофотининг жорий этилиши ҳам юртимиз хотин-қизларнинг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилган имкониятларнинг бир кўринишидир.

Мазкур мукофот жуда кўплаб иқтидорли қизларимизни кашф қилиб, уларни янада изланишга ва янги ғоялар кашф қилишга, улкан ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси даволаш факультети биринчи курс талабаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Нигора Тўймуродова ҳам ана шундай иқтидорли ёшлардан биридир.

– Мен шу муқаддас ва буюк юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман, – дейди Нигора Тўймуродова.

– Шу жаннатмакон юртда туғилиб, камолга етаётганимга шукроналар келтираман. Бизга шундай улкан имкониятларни яратиб бераётган Муҳтарам Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Зулфияхоним издошлари сафидан ўрин олган эканман, юксак мукофотнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолишга ва бундан кейин ҳам Ўзбекистонимиз шарафининг юксалишига ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, Нигоранинг орзулари бир олам, бахтиёрлигининг эса чегараси йўқ. Ахир Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси бўлиш ҳаммага ҳам напси этавермайди. Бунинг учун тинмай изланиш, ўқиш, ўрганиш ва чин маънода меҳнат қилиш керак бўлади.

Нигора Тўймуродова 1996 йилда Навоий вилоятининг Навоий шаҳрида туғилган. Ёшлигиданоқ бир қанча ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. У Навоий вилоятининг телевидениесида «Ташриф», «Табиат мўъжизалари» кўрсатувларининг бошловчиси бўлган.

Мақтабда ўқиб юрган вақтларидаёқ шаҳар, вилоят ва Республика фан олимпиадаларида биринчи ўринларни эгаллаб келган. 2011-2012 йилларда ҳам «Истиқлол фарзандлари» кўрик-танловида «Энг яхши илмий-оммабоп мақола соҳиби» номинацияси билан тақдирланган. 2013 ва 2014 йилларда адабиёт фан олимпиадасида Навоий вилояти бўйича биринчи ўринни қўлга киритган. 2014-2015 ўқув йилида Тошкент Тиббиёт академияси талабаси бўлишга муяссар бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг юксалиши, миллатнинг улуғлиги, жамиятнинг маънавий баркамоллиги хотин-қизларга бўлган муносабатда ўз аксини топмоқда, Нигора сингари Ватанимиз шарафини юксакларга кўтарётган қизларимизнинг сафи йилдан йилга ортиб бораётгани эса, давлатимиз томонидан хотин-қизларга яратиб берилган имкониятларнинг ижобий натижасидир.

**Ж. АХМЕДОВ**

Даволаш факультети декан мовуни

